



VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№2, 2025 йил, июль

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](https://t.me/vatandoshlar_fond)

[vatandoshlar_fondi](https://www.facebook.com/vatandoshlar_fondi)

[vatandoshlarfondi](https://www.facebook.com/vatandoshlarfondi)

[@Vatandoshlar](https://www.facebook.com/Vatandoshlar)



ДУНЁДАГИ ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Бугун ёш авлодни миллий ғурур, тарихий хотира ва маънавий бойликларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни она юрти билан боғлаб турувчи ишончли кўприклар яратиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган “Анор” лойиҳаси нафақат ижтимоий ва маданий жараёнларнинг бир қисми, балки хорижда вояга етаётган ўзбек ёшларига Ватан, тил, тарих ва миллий қадриятларни ҳис қилиш, қалбан яқинлашиш имконини берувчи беқиёс ташаббусдир.



Ушбу лойиҳада Қатар, Қувайт, Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларда яшаётган 50 нафар ёш ватандош тарихий юрти, қадим ва муқаддас замин – Ўзбекистонга ташриф буюрди. Иштирокчилар ўзбекона қадриятлар руҳида, кўтаринкилик билан илиқ қарши олинди. Карнай-сурнай садолари ва ширин кулчалар билан кутиб олинган ёшлар чинакам самимиятни ҳис этишди десак айни ҳақиқат бўлади. Уларнинг кўзларида ҳайрат ва қувонч учқунлари порлаб кетди.

Ёшлар замонавий ша-роитларга эга бўлган Ватанимизнинг сўлим масканларидан бири – Бўстонлиқ туманидаги “Ниҳол” ёзги оромгоҳида жойлаштирилди. Бу ерда улар учун барча қулайликлар, хавфсизлик ва маданий-маънавий ривожланиш муҳитини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастур ишлаб чиқилган. Ҳар бир иштирокчи индивидуал ёндашув, меҳрвасамимият муҳитида ўзининг асл истеъдоди, салоҳияти ва ички дунёсини очиш имконига эга бўлмоқда.

▼ Davomi 3-betda

“ЧИНОР” ЎЗ СОЯСИ ОСТИДА ВАТАНДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ



Бугунги кунда хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тарихий ватани билан маданий-маънавий ришталарни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва кўмагида қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хорижда истиқомат қилаётган, қалби Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган инсонларни Ватанга яқинлаштириш, уларнинг миллий ўзлик, тарихий хотира ва маънавият билан боғланишини кучайтириш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фонди ташкил этилди. Айнан шу фонд томонидан амалга оширилаётган “Чинор” лойиҳасини халқпарвар Президентимиз ғояларининг амалий ифодаси дейиш мумкин.



▼ Davomi 2-betda

БИР АСРЛИК МУЗЛАРНИ ЭРИТГАН ҚАЙНОҚ ЛОЙИХА



Аср деган сўз оғизнинг бир четидан осонгина чиқиб кетади. Аммо бу давр кимлар учун сўнгсиз ҳасратлар, соғинчу висол илинжида кечиши, кимлардир бу вақт оралиғида маслагига ета олмай армон билан ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Кейинги йилларда юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани, бу жараён ҳатто хорижда яшаётган ватандошларимизни ҳам четлаб ўтмаётгани таҳсинга лойиқ. Юз йиллар давомида илдизидан йироқда ўсиб, юрт соғинчи билан яшаб келаётган ватандошларни тарихий ўзаги билан бириктириш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат жонди ҳам шу каби хайрли мақсадлар йўлида хизмат қилиб келмоқда.

▼ Davomi 4-bet-

“ЧИНОР” ЎЗ СОЯСИ ОСТИДА ВАТАНДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ



▲ Boshi 1-betda

Ушбу лойиҳа доирасида ташриф буюрган нуронийлар юртимизда амалга оширилаётган улкан ишларни кўриб қувондилар, ўзларига кўрсатилаётган самимий эътибордан қалблари олам қадар юксалди. Уларнинг қалбида юртдан фахрланиш туйғуси янада мустаҳкамланди.

Нуроний ватандошлар юртимизнинг диққатга сазовор тарихий, маданий ва замонавий масканлари бўйлаб саёҳатлар қилишди. Уларнинг ҳар бир қадами илиқ хотираларга бой бўлди.

Нуроний меҳмонлар Пойтахтимиздаги “Hilton” меҳмонхонасида тантанали тарзда кутиб олинди.

Тадбирда таниқли ёзувчи-шоирлар ва санъаткорлар фаол иштирок этиб, меҳмонлар қалбига чинакам илиқлик ҳиссини олиб киришди. Миллий руҳни ўзида акс эттирган дилтортар шеърлар юраклар аро меҳр ришталарини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокированинг сўзга чиқиши иштирокчилар кайфиятига кўтаринкилик бахш этди. У юртга муҳаббат, элга садоқат, миллий маданиятни эъзозлаш, шу билан бирга, хориждаги ватандошларга қаратилаётган эътибор хусусида чин юракдан тўлқинланиб гапирди. Унинг ҳар бир сўзи иштирокчилар қалбига ўзгача шукуҳ бахш этиб, Ватан деган муқаддас тушунчанинг асл моҳиятини яна бир бор кўнгилларга муҳрлади.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси бошқарув раиси, Ўзбекистон қахрамони Содиқжон Турдиев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

“Чинор илдизлари бақувват, шохлари жипс, сояси эса қалин экани билан бошқа дарахтлардан ажралиб туради. “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган “Чинор” лойиҳаси ҳам бутун дунё бўйлаб, турли сабаблар билан тарқалган ватандошларни ўз соясида жамлаб, мустаҳкам илдизлари асосида уларни ўзаро боғлашни мақсад қилган, ўйлайманки, Фонд кўзлаган мақсадига ўзининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан эришмоқда!”

Шундан сўнг дастлабки экскурсия Темурийлар тарихи давлат музейига уюштирилди. Бу ерда иштирокчилар Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг бой мероси билан танишдилар. Музейда сақланаётган қадимий тангалар, ҳарбий юришлар харитаси ва миниатюра асарлар иштирокчиларга катта қизиқиш уйғотди.

Кейинги манзил Абдулла Қодирий уй музейи бўлди. “Ўткан кунлар” сингари ноёб асари билан ўзбек романчилигининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар ёзувчининг ибратли ҳаёти, сермахсул ижоди иштирокчиларда кучли таассурот уйғотди. Меҳмонлар ўзбек зиёлиларининг руҳий матонати ва халқпарварлигини дилдан ҳис этишди.

Экскурсия давомида ватандошлар Технопаркка ташриф буюришди. Бу ердаги замонавий саноат, ишлаб чиқариш ускуналари, инновацион лойиҳалар Ўзбекистоннинг илм-фан ва технология йўналишида қандай тараққиётга эришганини амалда кўрсатди.

Шундан сўнг Ғалаба боғига ташриф буюрган меҳмонлар у ерда сақланаётган 2-жаҳон урушига оид экспонатларни кўзларда ёш билан кузатдилар.

Юрт тинчлиги, эл фаравонлигини сўраб, узун дуолар қилишди. “Янги Ўзбекистон” боғига қадамранжида қилган зиёлилар Ўзбекистонимизнинг бугунги равнақи, порлоқ келажагини кўриб дилдан қувондилар, тарихий Ватанлари билан чинакам фахрландилар.

Лойиҳанинг ҳаяжонларга бой нуқтаси Самарқанд сафари бўлди дейиш мумкин. Бу муқаддас замин ўзининг тарихий қадамжолари, бугунги тараққиёти билан иштирокчиларни илиқ кутиб олди.

мадрасалари билан юксак маҳобат касб этиб турган Регистон майдони халқимиз тафаккури, илм-фан ва санъатининг тимсоли сифатида қалбларни ҳайратга солди. Ҳар бир иштирокчи бу маконда суратларга тушиб, тарихга гувоҳ бўлганини фахр билан тилга олишди.

Астрономия илмининг чинакам юлдузи бўлган Улуғбек расадхонасида ватандошларимиз буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг илмий меросига яна бир бор қойил қолдилар. Расадхона рўпарасидаги музейда



Ташрифнинг илк кунда Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюрган меҳмонлар бу табаррук тупроққа қандай улуғ зотлар қадам қўйганини фикрлаб, кучли ҳаяжонга тушдилар. Мажмуа ёнида жойлашган Ислон Каримов мақбарасига ташриф буюрган ватандошлар биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиришди. Яқин ўтмишни хотирлаб, ғаройиб ҳислар бағрига шўнғидилар.

Темурийлар даврининг архитектура дурдонаси саналган Бибиҳоним мақбара ва мадрасаси иштирокчиларни ҳайратга солди. Мақбаранинг улуғвор гумбазлари, мураккаб нақшлар ва меъморий ёдгорликларнинг маҳобати уларни гўё 15-аср томон бошлагандек бўлди.

Буюк Соҳибқирон мақбараси, унда Мирзо Улуғбек томонидан келтириб қўйилган нефрит тоши иштирокчилар қалбига ўзгача ҳаяжонлар солди. Амир Темур Жоме масжиди эса улуғ бобомизнинг қудрати нимада эканини яққол намоён этди, дейиш мумкин.

Ўзининг сирли гўзаллиги ва сукунати билан юракларга аланга солувчи Шоҳи Зинда мажмуасини кўздан кечирган меҳмонлар бу юртнинг бой тарихга эга эканига яна бир бор амин бўлишди.

Улуғбек, Шердор ва Тиллакори

жойлашган қадимий ёзувлар, юлдузлар харитаси, турли асбоб-ускуналар иштирокчилар қалбига ўзгача шукуҳ бахш этди.

Ушбу саргузаштларга бой бўлган сафар давомида ватандош нуронийлар бир-бири билан яқин қариндошлардек бўлиб кетишди. Фонднинг мақсадларидан бири ҳам аслида турли давлатларда истиқомат қилаётган ватандошларни ўзаро боғлаш, ҳамжиҳатлигини ошириш, уларни қисқа сафар орқали бир умрга боғлаб қўйишдан иборат. Йўл-йўлакай айтилган қўшиқлар, шеърлар, қизгин мушоиралар айнан шу хайрли ишга хизмат қилди дейиш мумкин.

“Чинор” лойиҳаси – бу тарихий заминни юракдан ҳис қилиш, аждодлар меросини англаш ва келажак учун маънавий замин ҳозирлаш йўлида қўйилган мустаҳкам қадамлардан биридир. Ташриф давомида нуронийлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббат, фахр ва шукроналик туйғуси янада кучайди. Ҳар бир қадамж – бу ўзликимизни, илдизимизни эслатиб турувчи кўзгуга айланди.

Ўйлаймизки, келажакда, мазкур “Чинор”нинг илдизлари янада чуқурлашиб, шохлари жипслашиб, бутун дунё бўйлаб тарқалган ватандошларимизни ўз сояси остида бирлаштиради!

Уфора Ҳабибуллаева



“Анор” бу – оддий бир оромгоҳда ўтаётган ёзги дастургина эмас, у –юрагида ўзбекча урф-одат, тил ва эътиқодни олиб юрган минглаб болалар учун эшик очувчи, миллий ўзликни англашга етакловчи, келажакка ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим лойиҳадир.



ДУНЁДАГИ ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

▲ Boshi 1-betda

Ёш ватандошлар учун турли тўғарак ва лойиҳалар ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири мурғак қалбларга илиқлик, ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотади. Жумладан, “Ўйла, орзу қил, ўзбекча ёз” лойиҳаси ёш ватандошлар қалбида она тилига ҳурмат, уни чуқур ўрганишга рағбат уйғотди. “Қуйла,

нафосатини янада бир бор ҳис этишди.

Ёш ватандошлар Ўзбекистон тупроғига қадам қўяр экан, ўз ҳиссиётларини турлича, завқ-шақ билан изҳор этдилар. Жумладан, Қатардан ташриф буюрган Ҳанифа Мадрахимова ўз туйғуларини шундай изохлайди:

ташаккур!”

Иштирокчилар тадбирнинг бошланишида Адиблар хиёбони ва бир қатор музейларга ташриф буюриб, Ўзбек адабиёти дурдоналари билан танишдилар, буюк ўзбек ижодкорлари ҳайкали пойида қизгин мулоқотлар ўтказилди, суҳбатлар мушоирага ҳам айланиб кетди. Ёш



ёш ватандош” лойиҳаси ҳам болаларга бир дунё завқ бахш этди, шу билан бирга, ўзбек санъатининг бой мероси, оҳангларжилосининг ранг-баранглиги ҳам ёш ватандошларнинг беғубор қалбига бир олам таассурот қолдирди. “Зукко китобхон” лойиҳасида ҳам қизгин иштирок этган болажонлар ўзбек адабиёти дурдоналари билан яқиндан танишиш, унинг нафосатини ҳис қилиш имконига эга бўлдилар. Лойиҳа якунида “Зукко китобхон” лойиҳаси ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалар тантанали тарзда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун муносабати билан ватандош ёшлар орасида расм чизиш танлови қизгин тарзда ўтказилди. Унда ёш меҳмонлар Давлатимиз рамзи ҳисобланган герб тасвирини чизишди. Бу танлов болажонлар қалбида ўз миллатидан фахрланиш, Ватанга бўлган муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш туйғуларини мужассам этди, десак хато бўлмайди.

Булардан ташқари яна бир қатор тўғараклар ташкил қилиниб, ёш меҳмонларнинг вақти мазмунли ўтиши юқори савияда таъминланди. Ўғил болалар учун доира, қиз болалар учун эса дотор ва рақс тўғараклари ташкил қилиниб, унутилмас воқеа ўлароқ болажонлар хотирасига муҳрланди. Бу гўзал тадбирлар орқали иштирокчилар ўзбек санъатининг



Билагида куч-ғайрат, ҳар бир ҳаракатида азму шижоат жўш урган йигитларимизни, билим ва одобда, ақл-заковатда тенгсиз қизларимизни кўриб, ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

“Бу меҳр балқиб турган тупроққа илк таширим! Ишонасизми, бу қадар самимият, бу қадар меҳр уфуриб турган чехраларни олдинлари сира кўрмаганман. Хорижда яшаётган фарзандларини ўйлаб, улар ҳақида қайғуриб иш тутадиган мамлакат бошқа бўлмаса керак! Келганимга ҳали кун тўлмади-ю, бироқ турли юртларда яшовчи ватандошларим билан дўстлашишга ҳам улгурдим! Ишонаманки, бу дўстлик бизнинг келажакимиз учун яхшигина пойдевор вазифасини ўтайди. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан,

ватандошларнинг ўзбек адабиётига юксак эҳтироми ёд олган шеърларида ўз аксини топди, дейиш мумкин.

Лойиҳа давомида спорт тадбирлари – арқон тортиш, сузиш, жисмоний фаоллик машғулоти ёшлар орасида дўстлик, соғлом рақобат ва жамоавийлик руҳини мустаҳкамлаб борди. Рассомчилик тўғараклари орқали эса болалар ранглар орқали ўз дунёқараши ва туйғуларини акс эттиришди.

Ёш ватандошларнинг дилидан ўтган туйғулар суҳбатларда, ижодий ишларда, ҳатто рақс ва шеърларда ўз аксини топди.

“Анор” бу – оддий бир оромгоҳда ўтаётган ёзги дастургина эмас, у –юрагида ўзбекча урф-одат, тил ва эътиқодни олиб юрган минглаб болалар учун эшик очувчи, миллий ўзликни англашга етакловчи, келажакка ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим лойиҳадир.

“Ватандошлар” жамоат фонди мазкур лойиҳа орқали нафақат ёшларнинг, балки бутун жамиятимизнинг эътиборини муҳим масалага – миллий бирдамлик, тарихий хотира ва келажак авлод тарбиясига қаратмоқда.

“Анор” лойиҳаси доирасида бўлиб ўтаётган тадбирлардан шуни билиш мумкинки, ўзбек ёшлари қаерда бўлишидан қатъи назар, Ватан уларни унутмайди, доим меҳр билан бағрига чорлаб туради.

Акмал Шофайзиев



БИР АСРЛИК МУЗЛАРНИ ЭРИТГАН ҚАЙНОҚ ЛОЙИХА

▲ Boshi 1-betda

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ, БУ ЖАРАЁН ҲАТТО ХОРИЖДА ЯШАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ҲАМ ЧЕТЛАБ ЎТМАЁТГАНИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ. ЮЗ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИЛДИЗИДАН ЙИРОҚДА ЎСИБ, ЮРТ СОҒИНЧИ БИЛАН ЯШАБ КЕЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРНИ ТАРИХИЙ ЎЗАГИ БИЛАН БИРИКТИРИШ ИШЛАРИ ҲАМ ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ЖОНДИ ҲАМ ШУ КАБИ ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Мазкур Фонд ташаббуси билан амалга оширилаётган кўплаб дилга яқин, хайрлар устида қурилган лойиҳалар борки, уларни тил билан таърифлаш имконсиз! Шундай эзгулик асосида қурилган тадбирлардан бири – “Аждодларимиз изидан” лойиҳасидир. Ушбу хайрли ишнинг амалини таъминлаш учун “Ватандошлар” жамоат фонди хориждаги ватандошлар билан боғланиб, Ўзбекистоннинг маълум нуқталарида уларнинг қавм-қариндошлари борлигини аниқлагач, Фонд томонидан суриштирувлар олиб борилди, натижада юртимизнинг турли гўшаларида уларнинг яқинлари борлигини аниқлашди.

Фонднинг ташаббуси васамимий таклифи билан хорижда яшаётган нуроний ватандошларимиз Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятларига, яқинлар билан дийдорлашиш мақсадида қадамранжида қилдилар. Жумладан, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига уюштирилган сафар гўзал воқеликлар ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

Сафар давомида нуронийлар Сурхондарё вилоятида жойлашган машҳур қадамжолар –

Абу Исо Термизий ва Ҳаким Термизий мақбараларини зиёрат қилишди, Термизийлар тарихини ўрганиб, аждодлари маърифатидан қалблари ифтихорга тўлди. Сангардак шаршарасига ташриф қилган нуронийлар бу сарвиқор тоғларда аждодлари бир пайтлар яшаб ўтганини эслаб, ширин хотиралар оғушида сайр этишди. Меҳмонлар қаерга боришмасин, яқин қариндошлари уларни илиқ қарши олишди, кичик ташриф катта меҳмондорчиликларга айланиб кетди. Нуроний меҳмонлар бугунги одилона сиёсат доирасида амалга оширилаётган бу ободончиликлар учун мамнун бўлиб, юрт раҳбарини алқаб, узоқ дуолар қилишди.

Сангардак шаршарасига узоқ термилиб қолган туркиялик ватандош Алимбек Акбаш изтироб билан шундай деди:

“Боболаримиз айнан шу тоғларда чўпонлик қилиб, ҳалол йўл билан болалариниризқлантирган. Бутупроқнинг ҳар бир борлиғида аждодларимнинг қиёфасини кўргандекман. Тўғри, мен бу ерларга биринчи келишим, аммо оталаримиз бизга шу қадар Ватан ҳақида кўп гапирганки, гарчи кўрмасак-да, бу тупроқнинг ҳар бир зарраси онгимизда муҳрланиб қолган. Эсимда, отам ўз Ватанига бир бор келиш учун борини беришга ҳам тайёр эди, бироқ қисмат экан, имкон топа олмади. У кезлар бундай шароитлар яратилиши ҳатто хаёлга ҳам сиғмас даражада улкан ҳодиса эди. Бизга бу имкониятни яратиб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёевга умр бўйи ташаккур айтсак ҳам оз!”

Шунингдек, иштирокчилар Фарғона водийсига ҳам ташриф буюриб, Марғилон, Қўқон каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларни кўздан кечиришди. Айниқса, Худоёрхон саройи ва бошқа маданий мерос объектлари уларга катта таассурот қолдирди. Фарғонада ҳам ватандошлар яқинларини топиб, бир дастурхон атрофида йиғилдилар. Бу учрашувлар нафақат қондошлик, балки

“ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМОАНИНГ ТАНАЗЗУЛИ,
УНИНГ АЖДОДЛАРИ БИЛАН УЗИЛИШДАН
БОШЛАНАДИ!”

“ЎЗ ИЛДИЗЛАРИ БИЛАН ЧУҚУР БОҒЛАНГАН
ХАЛҚНИ БУТУН ЖАҲОН БИР БЎЛСА ҲАМ,
ЕНГА ОЛМАС!”

“ИНСОН ҲАМ МИСОЛИ ДАРАХТГА ЎХШАЙДИ,
ИЛДИЗИДАН УЗУЛМАС ЭКАН,
У – БАРҲАЁТДИР!”

миллий бирлик ва меҳр ришталарининг янада мустақамланишига хизмат қилди.

Юз йиллардан буён олисларда яшашига қарамай, ҳозирга қадар ўзбек тилида равон гапирётган туркиялик ватандошимиз Асомиддин Собир ўғли бу ҳақда сўралганда, жуда бир ажойиб воқеани сўзлаб берди:

“Биласизми, менинг ота-онам ўзбек тили учун жонини беришга ҳам тайёр кишилар эди. Бир сафар кўчадан келиб, билмаган ҳолда туркча гапирганимда бошимга “ухлов” билан туширганди меҳрибон онажоним. Ўшанда волидам шундай деган эди: “Болаларим, кўчада истанг юз тилда гаплашинг, аммо остонадан кечдингизми, ўзбекча сўзланг, бизни биз қилиб турган нарсаси шу тилимиз!”

Мен ҳозирда тўққиз тилда равон гаплашаман, тўрт тилда эмин-эркин ёза оламан, лекин ҳалигача остонамдан ичкарига ғайри тилни киритганим йўқ, фарзандларим ҳам шундай! Бугун жуда мамнунман, боболарим, ота-онам орзу қилиб ета олмаган бу гўшаларга ташриф қилдим. Бу имкониятни бизга яратиб берган Ўзбекистон давлатига ўзимнинг миннатдорлигимни қандай изҳор қилишни ҳам билмаяпман!”

“Аждодларимиз изидан” лойиҳаси тарихни эслаш, яқинлар билан дийдорлашиш билан чекланиб қолмай, қалблар аро кўприк вазифасини ҳам ўтади дейиш мумкин. Бу сафар орқали нуронийлар ўз юртининг бағрида ўтмиш, бугун ва келажакни ҳис қилишди. Ватан, халқ ва аждодлар руҳи билан яна бир бор қалбан боғланишди.

Абдурауф Зокиров

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур
кўчаси, 45-уй